

Ҳадис дарси (63-дарс). Ислом шариати икки дунё бахт-саодатидир



Ҳадис
ДАРСЛАРИ

63-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳаёт ва ҳадис» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.

15:05 / 11.12.2019 4574

﴿دِينَنَا الْإِسْلَامَ لَكُمْ وَرَضِينَا﴾

Аллоҳ таоло айтади:

«Ва сизга Исломни дийн деб рози бўлдим» («Моида» сураси, 3-оят).

Бу жумла Моида сурасидаги оятдан бир бўлакдир. Айти ушбу жумланинг «Диннинг фазилатлари»ни англаб етишимиз учун уни мазкур оятдаги яна бошқа баъзи жумлалар билан бирга ўрганишимизга тўғри келади.

Мазкур оятда Аллоҳ таоло айтади:

«Бугунги кунда Мен сизга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб, рози бўлдим».

Бу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг видолашув ҳажларида тушган. У нозил бўлганида ҳамма саҳобалар

«Динимиз мукамал бўлди, Аллоҳ бизга неъматини батамом қилиб берди, Исломни дин деб рози бўлди», деб чексиз қувондилар.

Диннинг мукамал қилингани, неъматнинг батамом этиб берилгани ва Исломни дин деб рози бўлингани тўғрисидаги хабар нафақат ўша замон мусулмонлари ёки Ислом уммати, балки бутун инсоният учун катта хурсандчилик ва башорат эди.

Бу улкан шодлик хабари инсоният ўзининг узоқ тарихи давомида саодат излаб қилган ҳаракат ва уринишларига тож кийдириб, гўзал натижа берган эди. Инсониятнинг яратган холиқи Аллоҳ таоло уни аста-секин тарбия қилиб келди. Ҳамма авлодларга Исломни дин қилиб берган бўлса ҳам, ҳар замон ва маконга ўзига хос шариат берди.

Биринчи Пайғамбар Одам Атога берилган шариат ўша даврдаги содда ҳаётга мос ва ўша вақт воқеълигини ҳисобга олган содда шариат эди. Кейинги даврларда ҳам Аллоҳ таоло худди шу қоида асосида ҳар замоннинг, маконнинг ва жамиятнинг ўзига хос ҳолатларини эътиборга олиб, шариатлар юбориб турди. Табиийки, кейин келган шариат ўзидан аввалгисидан кўра мукамалроқ бўлар эди. Аввалги Пайғамбарлар ўз қавмларигагина юборилар эдилар. Уларнинг Пайғамбарликлари, шариатлари маълум муддатга, маълум маконга ва маълум жамият ёки қавмга хос эди. Шу тариқа кўплаб Пайғамбарлар, шариатлар юборилди.

Ниҳоят, инсоният ўз камолига етган пайтда, Аллоҳ таоло Ўзининг сўнгги Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга самовий китобларининг сўнггиси – Қуръони Каримни нозил қилди ва у орқали жами инсоният учун, ҳар замон ва ҳар маконга салоҳияти бор Ислом шариатини жорий этди. Бу эса инсониятга улуғ шараф эди. Ана шу охириги шариатнинг мукамал таълими ва татбиқи йигирма уч йил давом этди.

Динимизнинг бошланиши Маккаи Мукаррама яқинидаги Ҳиро ғорида бўлган бўлса, давоми Мадинаи Мунаввара ва атрофларида, мукамал бўлиши видолашув ҳажидида – ушбу биз ўрганаётган оятнинг нозил қилиниши биландир. Ва ниҳоят, Оламларнинг Робби Ўзининг мўмин-мусулмон бандаларига:

«Бугунги кунда Мен сизга дийнингизни мукамал қилиб бердим», деб хитоб қилди.

Кимки Ислом шариатини ҳаётига дастур қилиб олса, илоҳий дастурни олади, баркамол дастурни олади. Унинг ақийдаси баркамол бўлади.

Маънавий ҳаёти баркамол бўлади. Таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти, турли алоқалари, тузумлари баркамол бўлади. Икки дунёдаги бахт-саодати баркамол бўлади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан